

1. Харажатларни ҳисобга олишнинг усули субъектнинг тармоқ ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши бўйича умумий таклиф сифатида ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий ҳисобини ташкил қилишнинг учта тури кўриб чиқилди.

2. Тасдиқланган меъёрлардан четга чиқиш суммаси баҳоланганд тайёр маҳсулотнинг

ҳажмига сарфланган ҳақиқий харажатлар билан ушбу маҳсулот учун сарфланиши лозим бўлган меъёрий харажатларни таққослаш йўли билан бир хил маҳсулотларнинг ҳар бир гурӯҳи бўйича аниқлаш тавсия этилди.

3. Ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳисоби тизимидағи йиғма ҳисоб тартиби бир неча босқичи кўриб чиқилди ва тавсия қилинди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига асосан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, ҳизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар маркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисида» ги низом.

2. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича 21-БХМС 23.10.2002 йил.

3. Соколов Я.В. Очерки по истории бухгалтерского учета.- М.: «Финансы и статистика». 1991.- 102,317-с.

4. Галаган А.М. Накладные расходы в производстве методы их учета и распределения // Система и организация. - 1924. - №10.

5. Вейцман Р.Я. Фабрично – заводское счетоводство в связи с калькуляцией и коммерческой организацией фабрик и заводов. – 3-е изд. – Одесса, 1917. -63-с.

6. Блатов Н.А. Основы промышленного учета и калькуляции. – М.: ГОНТИ, 1939. -218-с.

7. Рудановский А.П. Руководящие начала (принципы) фабричного счетоведения, вытекающие из понятия о себестоимости. – 2-е изд. – М.: Макиз, 1925. -17-с.

8. Конопляник А. О ценах на нефть и нефтяных дериватах // Экономические стратегии, 2009, №2.

9. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. -Т.: «Молия», 2003. - 248 б.

10. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамоиллари ва услубиёти-Т.:«ФАН»,2005-198 б.

11. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «Академия» нашриёти, 2002.- 176 б.

12. Махкамова С.Г. "Нефтни қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисобини тақомиллаштириш асослари" "Иқтисодиёт ва таълим" журнали 2012 йил 2-сон. Тошкент.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ҲУСУСИЙ КАПИТАЛ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a24

Тожибоева Шахноза Анваровна -
ТДИУ "Молиявий таҳлил ва аудит" кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди
Равшанов Рамзиддин Раҳмиддин ўғли -
Мухаммедов Илхомжон Обидович -
ТДИУ магистрлари

Аннотация. Мақолада корхона молиявий салоҳиятининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти очиб берилган, унинг маркибини баҳолаш масалалари ёритилган. Бу борада ҳусусий капитал самарадорлигини баҳолаш, жумладан унинг рентабеллик даражаси, айланувчанлик коэффициентларини ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Илмий мақола натижалари аудиторлик текшируvida ҳусусий капиталдан самарали фойдаланишини баҳолаш асосида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Калим сўзлар: аудиторлик текшируви, бухгалтерия баланси, молиявий салоҳият, ҳусусий капитал, узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар, ҳусусий капитал рентабеллиги, ҳусусий капитал айланувчанлиги.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА В АУДИТОРСКИХ ПРОВЕРКАХ

Таджибаева Шахноза Анваровна -
Доцент кафедры "Финансовый анализ и аудит"
ТГЭУ, кандидат экономических наук
Равшанов Рамзиддин Раҳмиддин ўғли,
Мухаммедов Илхомжон Обидович
Магистры ТГЭУ

Аннотация: В статье раскрывается экономическое содержание и сущность финансового потенциала предприятия, вопросы оценки его состава. В связи с этим при оценке эффективности собственного капитала, в том числе уровня его рентабельности, анализируются факторы, влияющие на изменение показателей оборачиваемости. Результаты научной статьи обеспечивают финансовую устойчивость предприятий на основе эффективного использования собственного капитала в аудиторских проверках.

Ключевые слова: аудиторская проверка, бухгалтерский баланс, финансовый потенциал, собственный капитал, долгосрочные и краткосрочные обязательства, рентабельность собственного капитала, оборачиваемость собственного капитала.

ESTIMATION OF THE EFFICIENCY OF PRIVATE CAPITAL IN THE AUDIT

*Tajibayeva Shakhnoza Anvarovna -**Associate Professor of the Department "Financial Analysis
and Audit" TSUE, candidate of economic sciences**Ravshanov Ramziddin Rakhmaddin ugli,**Mukhammedov Ilhomjon Obidovich**Masters of TSUE*

Annotation: The article reveals the economic content and essence of the financial potential of the enterprise, the issues of assessing its composition. In this regard, when assessing the efficiency of equity capital, including the level of its profitability, the factors influencing the change in turnover indicators are analyzed. The results of the scientific article will ensure the financial stability of enterprises based on the effective use of equity capital in audits.

Key words: auditing, balance sheet, financial potential, equity, long-term and short-term liabilities, return on equity, equity turnover

Кириш. Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда корхоналар ўз тасарруфидаги молиявий ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Самарасиз бошқарув усулларидан фойдаланиш уларни иқтисодий ночорлик ҳолатига олиб келиши мумкин. Зеро, хукуматимиз томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини баҳолаш, молиявий соғломлаштириш тизимини такомиллаштириш борасида бир қанча қарорлар қабул қилиниши ҳам хўжалик субъектларида молиявий салоҳият самарадорлиги аудитини ўтказишни долзарблигини ва амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради [1,2,3,4]. Демак, корхона молиявий салоҳияти аудити унинг молиявий фаолиятини яхшиланишига, хусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатда бўлишини таъминлашга, молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишига имкон беради. Шу билан бирга уларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хўжалик субъектларида молиявий салоҳият таҳлили масалалари Республикализ ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимларининг илмий ишларида кенг кўламда ўрганилган. Хусусан, А.Х.Шоалимов, Ш.И.Илхамов[14], Б.А.Хасанов[13], М.Ю.Рахимов[9], Ш.А.Тожибоева[10,11,12], Л.В.Донцова[6] томонидан молиявий салоҳият таҳлили масалалари кўриб чиқилган. Мазкур мавзуу бўйича иқтисодчи олимлар томонидан чоп қилинган[8] “Украина компанияларининг молиявий имкониятларини баҳолаш ва мажбурий тугатиш эҳтимоли” номли мақолада молиявий салоҳият-

ни баҳолашда хусусий капитал самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилган. Жаҳон амалиётида компания банкротлиги эҳтимолини баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Шу билан бирга, банкротлик ҳолатида компания тугатилиши мумкинлиги тўғрисида савонни ечишнинг услубий ёндашувлари мавжуд эмас. Мақола банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилиши муносабати билан компанияни тугатиш имкониятини баҳолаш ва Украина иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда компаниянинг молиявий салоҳиятини аниқлаш методологиясини ишлаб чиқишига қаратилган. Компаниянинг молиявий салоҳияти даражаси ушбу компаниянинг банкротлик ва тугатиш эҳтимоли қийматининг тескари кўрсаткичи эканлиги исботланган.

Жо-Эн Сачард ва Георг А.Шинклелар [7] томонидан Австралия менежмент журналида «Янги давлат фирмаларидағи инновациялар: давлат грантлари, венчур капитали ва хусусий капиталнинг таъсири» мавзусида чоп қилинган мақолада хам мазкур масала етарли даражада. Мақолада давлат грантлари, венчур ва хусусий капитал маблағларини янги давлат фирмаларининг инновацияларига таъсири, киритилган ресурслар, инновацион натижаларни (патентларни) ва уларнинг сифати (патентга ҳаволалар), давлат грантлари, венчур, хусусий капитал ва инновациялар ўртасидаги механизм кўриб чиқилган. Бунда грантлар тўғридан-тўғри инвестицияларни эмас, балки хусусий капитал қўйишини молиялаштиришни стимули эканлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, венчур ва хусусий капитал инвесторларининг бир хиллиги компания даражасида портфел компанияларидаги инновацияларга сезиларли таъсир кўрсатётганини кузатилган, амалий тавсиялар берилган.

Иқтисодчи олимлар Сиви Арянтини, Сапто Жумоноларнинг[5], “Фирманинг рентабеллиги ва қиймати: Индонезиядаги ишлаб чиқариш саноати мисолида” мавзусидаги илмий мақола-

нинг мақсади ДуПонт таҳлили асосида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ҳамда уларнинг фирма қийматига таъсирини аниқлаш ҳисобланади. Детерминант рентабеллиги, яъни соф фойда маржаси, жами активларнинг айланувчанлиги ва молиявий ричаг мултипликатори хусусий капитал рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатади. Фирма қийматига ҳисса қўшиш нуқтаи назаридан эса хусусий капитал рентабеллиги тармоққа муҳим ижобий ҳисса қўшиши исботланган. Бу эса раҳбариятни компаниянинг операцион фаолиятини самарали бошқариш ва операцион ҳамда бошқа харажатларни камайтириш, акционер капиталининг даромадлилиги ва фойда нормасини оширишда активлар ҳамда қарзлардан самарали фойдаланишни тақозо қиласди. Ушбу мақолада эса мазкур масалалар етарли даражада тадқиқ қилинган.

Ш.А.Тожибоева[14] томонидан чоп қилинган мақолада иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг асосий жиҳатлари ёритилган. Жумладан, корхона хусусий капитал санарадорлигини таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинган ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот корхонанинг молиявий салоҳияти аудитида хусусий капитал санарадорлигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган. Илмий мақолада таққослаш, горизонтал, вертикал ва омилли таҳлил усуллари кўлланилган. Мазкур усуллар асосида хусусий капитал таркиби ва санарадорлиги даражаси ва сифати, ўзгариши, салмоғи, ўсиш суръати аниқланади, уларни тизимли назорат қилиш ва ҳар томонлама баҳолаш имкони бўлади. Илмий мақолада корреляция усулидан ҳам фойдаланилган бўлиб, маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ва хусусий капитал ўртача йилллик қиймати ўртасидаги функцио-

нал боғлиқлик ҳисоб-китоби асосида корреляция коэффициенти аниқланган. Омилли таҳлил усулидан эса хусусий капитал санарадорлиги кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи ҳар бир омилларни ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартиба солища халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори қабул қилинди[3].

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши албаттa аудиторлик текширишларнинг сифатини янада яхшилаш имкониятини яратади. Мазкур қарорни қабул қилиниши эса хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларнинг фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо қиласди. Шу боисдан ҳам аудиторлик текшируvida корхона молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Корхонанинг молиявий салоҳияти деб унинг фаолиятини тўлиқ таъминлайдиган турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлар мажмуасига айтилади. Молиявий маблағлар билан таъминланиши икки қисмдан иборат бўлади: хусусий капитал ва мажбуриятлар. Таҳлилий илмий мақолада кўрсатилишича: "Хусусий капитал санарадорлиги таҳлилининг мақсади - хусусий капитални шакллантиришнинг асосий манбаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш санарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат"[12]. Таҳлилнинг асосий вазифалари 1-расмда келтирилган.

Хусусий капитал санарадорлиги таҳлилининг вазифалари

Хусусий капитал ва унинг таркибий, динамик ўзгаришларига баҳо бериш

Хусусий капиталдан самарали фойдаланиш даражасини ўрганиш

Хусусий капитални айланувчанлигини тезлаштириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаш

Хусусий капитал санарадорлигини оширишнинг имкониятларини аниқлаш ва йўлга кўйиш

Хусусий капитални молиявий ҳолатга таъсирини баҳолаш

1-расм. Хусусий капитал таҳлилининг асосий вазифалари

Манба: Адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

BUXGALTERIYA HISABI VA AUDIT

Корхонанинг хусусий капитали самардорлигини таҳлили унинг таркибий тузилиши

ва ўзгаришини аниқлашдан бошланади (1-жадвал).

1-жадвал

“Deutsche kabel” АЖ хусусий капиталининг горизонтал ва вертикал таҳлили

Кўрсаткич	Ҳисобот йил боши		Ҳисобот йил охири		Фарқи (+, -)		Ўсиш суръати, %
	Сумма, м.с.	Салмоғи, %	Сумма, м.с.	Салмоғи, %	Сумма, м.с.	Салмоғи, %	
Хусусий капитал. Ундан:	119965378,00	100	72348385,00	100	-47616993,00	-	60,31
устав капитали	8724441,00	7,27	8724441,00	12,06	-	+4,79	100
кўшилган капитал	2610,00	0,002	2610,00	0,004	-	+0,002	100
заҳира капитали	86361930,00	71,99	86445550,0	56,40	+83620,00	-15,59	100,10
тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	24876397,00	20,74	(-) 22824216,0	31,53	-2052181,00	+10,79	91,75

Манба: “Deutsche kabel” АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари (openinfo.uz).

1-жадвал маълумотларидан “Deutsche kabel” акциядорлик жамияти ўз маблағлари манбалари ҳисобот йили охирида 47616993,00 минг сўмга камайди. Унинг таркибида ҳисобот йили давомида асосий ўринни заҳира капитали эгаллаган бўлиб, унинг улуши йил бошида 71,99 фоизни, охирида эса 56,40 фоизни ташкил қиласди. Ҳисобот йил бошида ўз маблағлари манбаларида устав капиталининг улуши 7,27 фоизни эгаллаган бўлса, йил охирига келиб 56,40 фоиздан иборат бўлди. Кўшилган капиталнинг салмоғи эса ҳисобот даврида сезиларли даражада бўлмаган бўлиб, 0,002 ва 0,004 фоизни ташкил қиласди. Ҳисобот йил бошида жамият хусусий капитал таркибида тақсимланмаган фойданинг улуши 20,74 фоизни ташкил қиласди. Ҳисобот йил охирида эса жамиятда 22824216,00 минг сўм қопланмаган зарар вужудга келиб, ўз маблағлари манбаларининг 31,53 фоизидан иборат бўлди. Маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида ўринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг кўпайиши энг аввало Низом жамғармасини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёт жамғармалари яратилишга олиб келади. Демак, таҳлил натижаларидан кўриниб туривдикни, жамиятда ҳисобот йили даврида жами мулк манбаларининг асосий қисми заҳира капитали улушкига тўғри келмоқда. Таҳлил йилларида

устав капиталининг хусусий капитал таркибида ги улушида сезиларли ўзгариш бўлган, яъни йил бошида 7,27 фоиз ва йил охирида 12,06 фоизни ташкил қиласди. Жадвалдан кўриниб туривдикни жамиятда тақсимланмаган фойда ҳажми ҳисобот даврида пасайиб борган ва охирига келиб 2052181,00 минг сўм қопланмаган зарар олинган. Таҳлил обьектида манбалар йил бошида ўз маблағлари ҳисобига ташкил қилинган бўлса, йил охирида қарз манбалари ҳисобига кўпайди. Бу ҳолат корхонанинг молиявий мустақиллигининг пасайишига, тўлов қобилиятининг ёмонлашишига олиб келади.

Акциядорлик жамиятлари молиявий салоҳияти самарадорлиги аудитидаги хусусий капитал рентабеллигини таҳлил қилиш асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, уларни молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан алоқадордир. Хусусий капитал рентабеллиги корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди. Аудит жараёнида хусусий капитал самарадорлигини таҳлил қилишда унинг айланувчанлик коэффициентларига баҳо бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Хусусий капитални айланувчанлиги деганда, уларнинг оқланувчанлик даражаси ва даври тушунилади. Таҳлил учун қуйидаги 2-жадвални келтирамиз.

2-жадвал

“Deutsche kabel” АЖ хусусий капиталининг рентабеллик ва айланувчанлик коэффициентлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йил боши	Ҳисобот йил охири	Фарқи (+, -)
1.	Хусусий капиталнинг йиллик ўртача қиймати, м.с.	118112382,00	96156881,5	-21955500,5
2.	Маҳсулотлар сотишдан олинган соғ тушум, м.с.	89577498,00	249943612,00	+160366114,00
3.	Соф фойда, м.с	20154192,00	23259690,00	+3105498,00
4.	Хусусий капитал рентабеллиги (3x100:1), %	17,06	33,63	+16,57
5.	Хусусий капитални айланиш коэффициенти (2:1)	0,76	2,60	+1,84
6.	Хусусий капитални айланиш даври, кунда (1x360:2)	473,68	138,50	-335,18
7.	Хусусий капитални айланиш салмоғи коэффициенти (1/2)	1,32	0,38	-0,94

Манба: “Deutsche kabel” АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари (openinfo.uz).

2-жадвалдан кўринишича, "Deutsche kabel" акциядорлик жамияти хусусий капитал суммаси йил охирида йил бошига нисбатан 21955500,5 минг сўмга камайган. Хусусий капитал рента-

беллиги йил охирида 33,63 фоизни ташкил қилиб, 16,57 фоизга кўтарилган. Бу ўзгаришга омиллар таъсирини занжирили алмаштириш усули орқали аниқлаймиз,(3-жадвал).

3-жадвал

Хусусий капитал рентабеллик даражасини омилли таҳлили ҳисоб-китоби

Ҳисоб формуласи таркибиға кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич - Хусусий капитал рентабеллик даражаси, %	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)
Соф Фойда	Хусусий капиталнинг ўртacha йиллик қиймати		
1	2	3(1x100:2)	4
20154192,00	118112382,00	17,06	-
23259690,00	118112382,00	19,69	+2,63
23259690,00	96156881,5	33,63	+13,94

Омиллар баланси: +16,57 %

Манба: "Deutsche kabel" АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари (openinfo.uz).

3-жадвал маълумотларидан кўринишича, "Deutsche kabel" акциядорлик жамиятида соф фойда ҳажмини йил охирида йил бошига нисбатан 3105498,00 минг сўмга ошиши натижасида хусусий капитал рентабеллиги 2,63 фоизга кўпайган. Хусусий капиталнинг ўртacha йиллик қийматини 21955500,5 минг сўмга камайиши эса унинг рентабеллигини 13,94 фоизга оширган. Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган иккита омилнинг таъсири: 2,63+ 13,94=+16,57 фоиз.

3-жадвал маълумотларидан кўринишича "Deutsche kabel" акциядорлик жамияти хусусий капиталнинг айланувчанлик коэффициенти йил бошида 0,76 ни, охирида эса 2,60 ни ташкил қилган ҳолда 1,84 коэффициентга ошган. Хусусий капитални айланиш салмоғи коэффициенти эса 0,94 коэффициентга пасайган. Жамиятда хусусий капиталнинг айланиш даври йил охирида 138,50 кунни ташкил қилган ҳолда, 335,18 кунга тезлашган. Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажмининг 160366114,00 минг сўмга ошиши, хусусий капиталнинг айланиш кунини тезлаштирган. Хусусий капиталнинг ўртacha йиллик қийматининг 21955500,5 минг сўмга камайиши натижасида айланиш куни тезлашган.

Корреляция усулини қўллаш асосида хусусий капитални айланиш кунини ўзгаришига таъсири қилувчи омиллар ўзгаришини бир-бири билан боғланганлигини ҳисоблаш мумкин. Бунда корреляция коэффициенти 0 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда ҳеч

қандай боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффициенти 1 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда боғлиқлик юқори даражада тўлиқ бўлади, яъни функционал бўлади. Корреляция коэффициенти 0,1 дан 0,3 гача бўлса паст, 0,3 дан 0,5 гача бўлса ўртacha, 0,5 дан 0,7 гача бўлса сезиларли, 0,7 дан 0,9 гача бўлса юқори ва 0,9 дан 1 гача бўлса жуда юқори, яъни тўлиқ функционал ҳисобланади. Куйидаги жадвалда маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми ва хусусий капитални қиймати ўртасидаги боғланишни кўришимиз мумкин, (4-жадвал).

Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ва хусусий капитал қолдиги ўртасидаги корреляция коэффициентини куйидаги формула орқали ифода этиш мумкин:

$$R_{xy} = \frac{\sum X \times Y}{\sqrt{\sum X^2} \times \sqrt{\sum Y^2}}$$

Мазкур формуланинг ҳисоб-китоби:
 $149456 / 303515 \times 236459 = 0,6$.

4 - жадвал

Хусусий капитални айланиш кунини ўзгаришига таъсири қилувчи омиллар боғлиқлигини корреляция усулида ҳисоблаш

Йиллар	Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум, (минг сўм) X	Хусусий капиталнинг қиймати (минг сўм) Y	X қаторнинг квадрати X^2	Yқаторнинг квадрати Y^2	Омилларни кўпайтмаси X^*Y
2013	11720	10476	13736	10975	12279
2014	89790	99910	80622	99820	89709
2015	76778	24276	58949	58932	18639
2016	89577	11996	80240	14390	10746
2017	24994	72348	69968	52342	18083
Сумма	292859	219006	303515	236459	149456

Манба: "Deutsche kabel" АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари (openinfo.uz).

Демак, маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ва хусусий капитал ўртасидаги боғлиқлик сезиларли даражада функционал ҳисобланади. Ҳисоб-китоб натижалари бўйича корреляция коэффициенти 0,6 бандни ташкил қилиди. Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушумнинг 60 фоизи хусусий капитални ҳажмига боғлиқ, қолган 40 фоизи эса бошқа омилларга боғлиқ ҳисобланади. Таҳдил натижаларидан кўриниб турибдикি "Deutsche kabel" акциядорлик жамияти хусусий капитали ҳисобот даврида камайган. Корхона хусусий капиталининг камайиши асосан тақсимланмаган фойда ҳажмини камайиши ҳисобига бўлган. Чунки, хусусий капитал биринчи марта таъсисчилар ҳисобидан ташкил топган Низом жамғармаси орқали таъминланган бўлса, кейинчалик корхона фаолияти давомида олинган фойдадан ажратмалар эвазига ошиши лозим. Демак, хусусий капитални кўпайтириш учун, энг аввало, корхона фойдасини кўпайтириб бориш керак. Корхонанинг фойдаси ҳар қандай хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб қолмасдан, балки самарали фаолият натижаси ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлик кўрсаткичларни оширишда молиявий салоҳиятга баҳо бериш асосий масалалардан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, таҳдилчилар ва аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим. Мазкур илмий мақолада "Deutsche-kabel" акциядорлик жамияти молиявий салоҳияти таркиби амалий маълумотларини қўллаган ҳолда тадқиқ қилинган ҳамда амалий тавсиялар берилган. Хусусий капитал корхонанинг ўз маблағлари манбанин асосини ташкил этиб, у корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Унинг ҳолатига қараб жами маблағлар таркибидан келиб чиққан ҳолда корхонанин иқтисодий қарамлиги ёки мустақиллигига баҳо берилади. Шу боисдан "Deutsche kabel" акциядорлик жамияти хусусий капитали билан боғлиқ бўлган айланиш коэффициентлари таҳдил қилиниб, айланиш даврини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳдил қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди, маҳсулотлар сотишдан

олинган соф тушум ва хусусий капитал қиймати ўртасидаги боғлиқлик корреляция усулида ҳисобланди. Шу билан бирга хусусий капиталнинг рентабеллик даражасини таҳлил қилиш усули ҳам тавсия қилинди. Демак, корхона хусусий капиталидан самарали фойдаланишни баҳолаш натижасида уларни мақсадли бошқаришни йўлга қўйиш, пул ва ликвид маблағларни айланувчалигини тезлаштириш ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тадбирларни белгилаш имкони бўлади. Зоро, молиявий салоҳият таҳдили корхонанинг молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлиигини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади.

Мазкур илмий мақола натижалари бўйича қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин: корхона молиявий салоҳияти барқарорлигини таъминлаш учун хусусий капитал ҳажмини ошириш, ундан самарали фойдаланиш лозим. Хусусий капитални кўпайтириш учун, энг аввало, корхона фойдасини ошириб бориш керак;

-корхоналарнинг жуда кўп харажатларини банклардан олинган қарз учун тўланадиган фоиз ва транспорт харажати ташкил этади. Шу туфайли корхона имкони борича оборотдаги маблағларда хусусий капиталнинг улушкини кўпайтириши ва ниҳоят барча айланма маблағларини ўзининг ҳисобидан қоплаши лозим;

-молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўлларидан бири корхона дебитор қарзлари ва жорий кредиторлик мажбуриятларини кўпайтираслик чорасини кўришдир. Мажбуриятлар ҳажмининг кўплиги корхона молиявий ҳолатини ёмонлишишига олиб келади. Тўлов мажбуриятларини бажармаслик уларни иқтисодий ночорлик ҳолатига олиб келиши мумкин.

Мазкур тавсияларни аудиторлик текшируvida корхонанинг амалий фаолиятида қўлланниши уларнинг молиявий ҳолатига аниқ ташхис қўйиш, хусусий капитал самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш, банк-ротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий салоҳиятини кўтариш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори, 2020 йил 24февраль.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарори, 2018 йил 19 сентябрь.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат шитирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1013-сон қарори, 2018 йил 14 декабрь.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат улуси бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳужсалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиши тўғрисида"ги 207-сон қарори, 2015 йил 28 июль.

- 5.Aryantini, S & Jumono, S. (2021). Profitability and value of firm: An evidence from manufacturing industry in Indonesia. *Accounting, 7(4), 735-746.* <http://leeds-faculty.colorado.edu/jere1232/Harrigan%20and%20Wing%20Corporate%20Renewal%20SI.pdf>.
- 6.Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности. Практикум. -М.: Дело и сервис, 2018.
- 7.Jo-Ann Suchard, George A Shinkle. Innovation in newly public firms: The influence of government grants, venture capital, and private equity. *JOURNAL OF MANAGEMENT, Vol. 44, No. 2, May 2019: 248-81.* <https://search.informit.org/doi/abs/10.3316/agispt.20190627012941>.
- 8.Nusinov V. Estimating the Ukrainian companies' financial potential and the probability of forced / V. Nusinov, L. Burkova, N. Shura // Investment Management and Financial Innovations. – Sumy, 2020. – Vol. 17, issue N 2. – P. 26-39. – References: p. 37-39. <http://ds.knu.edu.ua/jspui/handle/123456789/2755>.
- 9.Рахимов М.Ю ва бошқалар. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2020.
- 10.Тожибоева Ш.А. Молиявий таҳлил-2. Дарслик. –Т.: Инновацион ривожланиш, 2021.
- 11.Тожибоева Ш.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2020.
- 12.Tadzhibayeva Sh.A., Khodjayeva M.X. Main Aspect of the Analysis of Business Activity in The Conditions of Economic Development. *Trans Asian Journal of Marketing and Management Research (TAJMMR).* Vol 9, Issue 10, Oktober 2020. <https://tarj.in>. ISSN: 2279-0667. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.209.
- 13.Хасанов Б.А ва бошқалар. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
- 14.Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. –Т.: Сано-стандарт, 2017.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хайитбаев Мухаммади Исрапилович -
Ташкент молия институти "Бухгалтерия
ҳисоби" кафедраси мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a25

Аннотация. Мазкур мақолада товар-моддий захираларни бошқарши ва унинг ҳисобини ташкил этиши масалалари ёритилган. Тадқиқотлар натижасида товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: товар-моддий захиралар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, тайёр маҳсулот, ҳаққоний қиймат.

НАПРАВЛЕНИЙ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Хайитбаев Мухаммади Исрапилович -
Ташкентский финансовый институт Независимый
научный сотрудник кафедры «Бухгалтерский учет»

Аннотация. В данной статье освещены вопросы управления товарно-материальными запасами и организации их учета. В результате исследований разработаны рекомендации по совершенствованию учета товарно-материальных запасов на основе международных стандартов.

Ключевые слова: товарно-материальные запасы, международные стандарты финансовой отчетности, готовая продукция, справедливая стоимость.

THE DIRECTIONS OF IMPROVING INVENTORY ACCOUNTING ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

Khayitbaev Muhammadi Israpilovich -
Tashkent Financial Institute Independent
researcher of the "Accounting" department

Annotation. This article highlights the issues of inventory management and organization of their accounting. As a result of the research, recommendations were developed to improve the accounting of inventories based on international standards.

Keywords: inventories, international financial reporting standards, finished goods, fair value.

Кириш. Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш, уларни ҳаққоний қийматда баҳолаш, товар-моддий захиралар инвен-